

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Қишлоқ мулкдорлари

ФЕРМЕРНИНГ УДДАБУРОНИ ЯХШИ

Рўзимат Усмонов 2003 йилда "Ботир ота – Аса" фермер хўжалигини ташкил этганда, ғалла ва сабзавотчиликка ихтисослаштириш йўлидан борганди. Ишлари юришиб кетгач, билдикки, агар бир томондан чорвачиликка қўл урса, емнинг бир қисми, қишлоқ хашак юз фоиз ўзларидан чиқиши мумкин экан. Шу ниятини рўйбга чиқаришни режалаштириб юрганда, фермер хўжаликларини йириклаштириш ва кўп тармоқли қилиш ҳаракати бошланди.

– Юртбошимизнинг ташаббуслари ва амалий ғамхўрликлари остида бошланган бу ҳаракат бизга катта далда бўлди, – дейди Рўзимат Усмонов. – Охангарон туманида биринчилардан бўлиб қўшимча тармоқлар очнига астойдил киришдик. Хозирданқо қорамолларимиз 30 бошдан ошди. Бу бошимизни. Туман ҳокимлиги мохона куриш ҳамда молларга озуқа етиштириш учун ер ажратиб бер-



ришни сўраб хат билан мурожаат қилганмиз. Орзуимиз ушалса, чорвачиликни етакчи тармоққа айлантириш имкониятлари кўп. Фермер бор гапни айтди. Ғалла ва сабзавотдан

ташқари хўжалик кунгабоқар етиштиришнинг ҳам ҳадисини олган. Дони сотилади, бошоғи молларга тўйимли озуқа бўлади. Шунингдек, ғалладан бўшаган майдонларга экиладиган ловия, маккажўхори

ҳосили ҳам чорва учун тайёр ем-хашак. Лалми бўғдойнинг пояси, қишга хашак, ўзларига ортиб қолган доннинг бир қисми омухта ем учун сарфланади.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТДА: фермер Рўзимат Усмонов (ўнгда) ўғли Тоиб Ботиров билан тақрир экин ривожини кўздан кечиришмоқда.

Тошкент вилояти ҳоқими
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ 2013 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ ЁЙИЛМАСИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонунининг 34-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2012 йил 10 январдаги 1-сон буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси республика бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетлар харажатлари (капитал қўйилмалар харажатларидан ташқари) ёйилмасига ўзгаришлар киритиш ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, шунингдек ҳудудий молия органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш" Регламенти, Молия вазирининг 2010 йил 5 февралдаги 10-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойллик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганда бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида"ги Низоми, Молия вазирининг 2008 йил 13 октябрдаги 163-сон буйруғи билан тасдиқланган "Республика бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари ёйилмасига, харажатлар сметаларида ҳамда бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларда чегирилатган (камайтирилган) бюджет маблағлари (режали маблағлар)ни акс эттириш тартиби тўғрисида"ги Низоми, Тошкент вилояти ҳоқимининг 2012 йил 31 декабрдаги "Тошкент вилоятининг 2013 йилги маҳаллий бюджетини параметрлари тўғрисида"ги 265-сонли Қарорига асосан, шунингдек вилоят маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи бюджет ташкилотлари сўровларини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Жорий йилнинг 2-чораги учун вилоят, туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатлари ёйилмасига киритилган ўзгаришлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Вилоят, туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига 2013 йилнинг 2-чораги давомида киритилган ўзгаришлар 17-сон шакл маълумотнома-билдиришнома ҳамда 11-сон шакл билдиришномалар расмийлаштирилган санадан бошлаб қўйилган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур қарор тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари

4. Вилоят ҳокимлиги Молия бошқармаси (Д. Ҳажиев) тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришни таъминласин.
5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўйилган қиради.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Абдуқодиров зиммасига юклансин.

Вилоят ҳоқими А. УСМОНОВ.
2013 йил 10 август.

Маънавият

Самарқанд сафаридан қайтаётганлик. Жиззахда машинамига кеска бир аёл қикди. Унинг ҳорғин қиёфасида қандайдир норозилик зоҳир эди. Боягина онахонни кузатиб қўйган ёшгина жувон: "Ойижон, Самадбекка, овишимга салом айтинг-а... Ўзингизни уринтириб қўйманг" деганча, қолганди.

СОХТА ОБРЎ ОРТИДАГИ ҚАБОҲАТ

– Кузатган қизингизми? – сўрадик ундан.
– Катта келиним бўлади. Кунни кеча ўғил уйлади, тўйдан чиқиб яна тўйга кетаяпман, айланай.
Дугонам онахонни саволга тудди:
– Боядан бери қарайман, ҳорғин қиёфасида. Тўй сизни роса чарчатган кўринади.
– Бе-е, шўям тўйми, болам. Катта ўғлим отасидан қолган ҳайхотдай ҳовлида яшайди. Ховлимизга жой қилсанг, минг киши сизга. Ҳай-ҳайлашимга қарамай, яқинда гузаримизда очилган ресторанда тўй қилди. Майли-да, бўям бир хавасдир, дедим. Келин тўри ресторандан келди. Оппоқ капалакка ўхшайди, қўйлакнинг на ени, на ёқиси бор.
Ўзаро қулишдик. "Ҳа энди

замона шу-да", дедик уни юпатган бўлиб.
– Замона эмас, болам, айрим одамлар тўқликка шўхлик қилапти. Уям майли, бир пайт ўртада ўзимизнинг Рисолатга ўхшаган бир аёл роса хиром қилди. Ўғлим билан келимин бир пайт устидан пул сочиб қолса бўладими? Синчиқлаб қарасам, ажин бошган юзини беармон чаплаб, сочини қип-қизилга бўяб, тор қўйлак кийиб олган бу "рақоса" келимининг онаси, янги кудамиз бўлиши Рисолат экан, айланай. Оғзим очилиб қолди!
Салонда кулги кўтарилди. Орқанда ўтирган Венера опа кулгидан ўзини тўхташа олмасди.
– Бечора Рисолат қизимини эрга берсам, тўйиб-тўйиб ўйнайман, деб орзу қилиб юрган экан-да.

– Одамни зериктирмайдиган бир ҳафзо етишмаётганда-да, холадон.
– Тўйларга борсам юрагим сиқиладиган бўлди. Тошкентга тўйга кетаяпман. У ёқда ҳам ажойиб томошалар қўриб қайтсам кераг-ов... Ёш билан қарини ажратиб бўлмайди. Ҳамма узун қўйлак кийсин, демайман, болам, ярашқини либос қийсин-да. Ўзи хўпга семиз-у, аёл бошига тор кийим кийиб олса, жуда бақнача кўринар экан-да. Бунинг устига бошида қолган тўртта толани қизилми, сариқми рангага бўяб олишлари-чи, айланай... Ёшим ўтиб, ҳеч нарса ёқмай борояптимини, деб ўзимни кўнунга қўйиб қолсам. Шаҳарнинг тўйига ҳам боргим йўқ, келимин қўймади ойижон, ёзилиб келасиз, деб...
(Давоми 4-бетда).

Қарор ва ижро

ЎҚИЛГАННИ ТЕЖАШ — ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Мустақиллик йилларида республика иқтисодийнинг ривожига янада жўшқин суръат касб этгани ва шунга боғлиқ ҳолда автотранспорт воситалари кескин кўпайгани ёқилги-энергетика ресурсларига талаб кескин кўпайишига олиб келиб, ички бозорни ушбу ресурслар билан таъминлашнинг тизимли лойиҳаларини амалга оширишни талаб этмоқда. Маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар таннархида ёқилги-мойлаш ашёлари салмоқли ўринни эгаллаши сабабли улар сарфини камайтириш таннархини пасайтириш ва ишлаб чиқарувчи ҳамда хизмат ўрсатувчилар соф даромадларини оширишнинг муҳим омилларидан биридир.

Шунингдек, ёқилгининг муқобил турларига мослашиш ҳам маҳсулот ва хизматлар таннархини пасайтириб, соф даромадани кўпайтириш, умуман, мамлакат иқтисодийни барқарорлаштириш ва мустаҳкамлаш имкониятларини кенгайтирувчи омилдир. "Тошкент ҳақиқати" мухбири "Ўздавнефтегазинспекция" бош мутахассиси Шухрат Норбековга шу масалалар юзасидан бир неча савол билан мурожаат қилди.

– Сухтатимизни республикамизда ёқилги-энергетика ресурсларидан фойдаланишнинг бугунги аҳолига назар ташлашдан бошла-

– Кейинги йилларда ёқилги-энергетика ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, уларни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш жараёнларида белгиланган технологик тартиб-қоидаларга қатъий риоя этиш ҳамда янги, замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига исрофгарчиликларнинг олдини олиш, шунингдек, ёқилгини кам сарфлайдиган автотранспорт ва бошқа техника воситалари ҳамда механизмларидан фойдаланиш ҳисобига ёқилги-энергетика ресурслари, хусусан, нефть маҳсулотлари сарфини камайтиришга эришилмоқда. Жумладан, 2008-2012 йиллар давомида автотранспорт воситалари кескин кўпайиб борганига қарамай, халқ ҳўжалигида бензин 2008 йилда 202,4 минг тонна, бозор истеъмолида 1 миллион 224,4 минг тонна сарф қилинган ҳолда, 2012 йилда халқ ҳўжалигида 158,8 минг тонна, яъни 2008 йилга нисбатан 43,6 минг тонна кам, бозор истеъмолида эса, 981,7 минг тонна, яъни 2008 йилдагига нисбатан 242,7 минг тонна кам сарфланди.
(Давоми 2-бетда).

ТАДБИРКОРЛАР ХИТОЙГА БОРАДИ

Шу йил 15-19 октябрь кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида 114- "China Import and Export Fair" (Кантон ярмаркаси) халқаро кўргазмаси бўлиб ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Хитой халқаро савдо маркази ҳамкорликда "International hotel Tashkent" меҳмонхонасида тақдимот маросими ташкил этилди.

Тадбирда хитойлик вакиллар кўргазма йўналишлари, унда иштирок этиш шартлари, тақдим этилаётган технология, ускуна ва маҳсулотлар ҳақида батафсил маълумотлар беришди. Шунингдек, ўтган йили ўтказилган кўргазма натижалари тўғрисидаги ҳисобот ҳам ҳавола этилди.
– Корхонамиз "Ўзбекқўмир"

очик акциядорлик жамиятининг расмий вакили бўлиб, асосий ишимиз Бўстонлик тумани аҳолисини кўмир билан таъминлаш, – деди "Бурчмолло оби-сафо" корхонаси раҳбари Ойбек Эргашев. – Фаолиятимизда бир қанча ускуналар керак бўляпти. Шу сабабли Хитойдаги ярмаркада иштирок этиш тақдирини бердик.

Агар у ерда ўзимиз учун маънавий хизматларни топиб, харид қилсак, мижозларимизга янада сифатли хизмат кўрсатамиз.
Шуниси қувонарликки, вилоятимиздан яна кўплаб тадбиркорлар халқаро кўргазмада қатнашиш истagini билдиришган.
Феруза ТўРАЕВА.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«НАҲОТКИ, МЕВАНИ КАЛЛА-ПОЧАДАН ФАРҚЛАШОЛМАСА?»

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2013 йил 22 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада "Оққўрғон деҳқон бозори" атрофида автомашиналарнинг бетартиб турishi, тўхташ жойи йўқлиги, бозорда маҳсулотларнинг турига қараб ажратилган расталарда мутлақо бошқа нарсалар сотилаётгани, хусусан пештоққа "Нон ва нон маҳсулотлари" ёзилган қаторда қуруқ ва ҳўл мевалар, болалар ва катталар қиймлари, ширинликлар, "Мевалар" растасида мол-қўй ичкалари сотилаётгани, озиқ-овқат маҳсулотлари ерда гигиена талабларига мос келмайдиган ҳолатда сотилаётгани танқид қилинган эди.

Таҳририят ушбу мақола юзасидан вилоят прокурори ўринбосари, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Б. Нурмухамедовнинг имзоси билан жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейилади:

"Оққўрғон деҳқон бозори" очик акциядорлик жамиятида туман Давлат санитария-эпидемиология нозорати маркази, туман Давлат солиқ инспекцияси ва туман Ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари мутахассислари жалб қилиниб ўтказилган текширишда, мақолада қайд этилган ҳолатларнинг барчаси тасдиқланди. Бозорда муайян турдаги маҳсулотлар сотилиши тўғрисидаги расталарда бошқа маҳсулотлар ҳам аралаш ҳолатда сотилаётгани, озиқ-овқат маҳсулотлари бозорда ташкил этилган лабораторияда текширишдан

ўтказилмагани, бозор ҳудудида чикиндилар олинмасдан қолгани, бозорда арава-чалар хизмати ташкил этилмагани, бозор атрофида автотуловларнинг бетартиб тургани, тўхташ мумкин бўлмаган жойда автотуловларнинг тўхтаб, суний равишда тирбандликни келтириб чиқараётгани аниқланди.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги "Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги 253-сонли қарорининг II бандида бозорларда қуйидагилар

бўлиши лозим, яъни асфальтланган (чорва моллари, паррандалар ва бошқа ҳайвонлар сотиш бозоридан ташқари), яъни ёритилган, ёндош ҳудуддан тўсиқ билан ажратилган савдо майдони, бозорда иш вақти тугагандан кейин ёпиладиган кириш ва чиқиш жойлари, бозорнинг номи, ихтисослашуви ва иш тартиби кўрсатилган ҳолда давлат тилида расмийлаштирилган пешлавҳа, жиҳозланган ва тартиб рақамлари қўйилган тургун ҳамда мавсумий савдо расталари ва савдо қилиш учун жойлар, тургун савдо шохобчалари (шу жумладан павильонлар).

Бунда бозор маъмурияти тасдиқланган ва бозор объектларининг жойлашishi, схемаси кўринарли жойга осилган ва объектларнинг амалда жойлашган ўрни, шунингдек бозор расталари ва савдо ўринларининг жойлашishi харидорларнинг бозорда эркин юришини ҳамда савдо расталари ва жойларга бемалол боришини таъминлаш керак, давлат солиқ хизмати органлари, ҳудудий ички ишлар органлари, санитария-эпидемиология нозорати, тиббиёт пункти, давлат ветеринария-санитария экспертиза лабораторияси ёки давлат ветеринария хизмати органларининг таянч пунктларини жойлаштириш учун хоналар (мол гўшти ва ўсимликлардан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда), буюмларни сақлаш жойлари, дезинфекцияловчи моддаларни сақлаш, гўшт маҳсулотларини майдалаш (гўшт сотишда) учун алоҳида хоналар, сотувчилар ва харидорлар учун аравачаларни прокатга бериш пункти, ўлчов-тортиш воситаларини прокатга бериш пункти (илгари фойдаланишда бўлган мол-мулкни сотиш бозорларидан ташқари), авария ҳамда фавқулодда ва-

зиятлар ҳолатларида ёнгини ўчириш ва аҳолини хабардор қилиш воситалари, бозорлар ҳудудида ва унга туташ ҳудудларда жойлашган автотранспорт воситалари ва савдо ўринларининг жойлашishi жамоат ҳолатхоналари, сув қувурлари, юз-қўл ювгичлар, ахлат тўплагичлар, радиоузел ва бошқа зарур инфратузилма объектлари бўлиши шарт бўлсада, ушбу талабларнинг аксарияти "Оққўрғон деҳқон бозори" очик акциядорлик жамиятида бажарилмаган.
Қарорнинг 12-бандида бозор ҳудуди деҳқон (озиқ-овқат) бозори, чорва моллари, паррандалар ва бошқа ҳайвонлар бозори, илгари фойдаланишда бўлган мол-мулкни сотиш бозори бир-бири билан ёндош бўлмаслиги шарт билан аниқ ажратиб қўйилган бўлиши кераклиги, бозор ҳудуди савдо комплекси билан ёндош бўлиши мумкинлиги белгиланган бўлсада, "Оққўрғон деҳқон бозори" ОАЖда ушбу талабга риоя этилмаган.

Санитария қоидаларига риоя этмасдан ички ёғ ва жигар маҳсулотлари савдоси билан шуғулланган фуқаролар М. Рассаханова, Д. Мирзаева, М. Шокирова, М. Мирзаева, Ш. Бобоқўжаевлар туман ДСЭНМ ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 53-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилди.
Бундан ташқари, туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда "Тико" автомобили хайдовчиси фуқаро Х. Юсупов, "Ваз-2106" русумли автомашина хайдовчиси М. Файзуллаевларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилди.
"Оққўрғон деҳқон бозори" ОАЖда аниқланган қонунбузилишларни зудлик билан бартараф қилиш юзасидан туман ҳокимига тақдимнома муҳокамасига асосан бозорнинг 10 насаф ходимларига нисбатан интизомий чоралар кўрилди.
Бозор ҳудудида санитария қоидаларига риоя этилишини лозим даражада назорат қилмаганлиги учун туман ДСЭНМ солиқ раҳбари Б. Бобоев эғаллаб турган лавозимидан озод қилинди.
Аризани кўриб чиқиш якунида "Оққўрғон деҳқон бозори" ОАЖ раҳбари Ш. Бабоевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 53-моддаси билан маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатилди".

МИГРАЦИЯ ҚОНУНИЙ БЎЛСА...

фуқароларимиз хавфсизлиги кафолатланади

Миграция – дунё миқёсида тан олинган жараёнлардан бири бўлиб, аҳолининг кўчиши, ўзи истаган ўлкаларда яшashi, меҳнат қилиши назарда тутилади. Бунда нафақат яшаш, ўша юрт фуқаролигини қабул қилиши, мамлакат қонунарига риоя этиши ҳам талаб қилинади.

Миграция жараёнларини тартибга солиш унинг ҳуқуқий базасини яратиш борасида Ўзбекистон ҳам етарли тажрибага эга мамлакатлар қаторига кирди. Миграция жараёнлари аксарият фуқароларимизнинг қонун талабларига бўйсинган, уни ҳурмат қилган ҳолда кечаятгани тахсинга лойиқ.

Бироқ афсуски, айрим юртдошларимиз қонуний миграциядан кўра, махфий миграцияни хуш кўришаёпти. Бу хатолик улар учун турли ноҳушликлар келтириб чиқараётгани ҳақида мисоллар кўп. Мамлакатдан яширин қиқиб, хорижга ишлаган кетган айрим фуқароларимиз ўзлари бораётган мамлакат қонунларини билмаганлари оқибатида турли товламачилар алдовига илиниб қолаётганлари, шахсларини тасдиқловчи ҳужжатларини бегона ва иттиҳончи кимсаларга топшириб қўйишларини эшитиб, ачинасан

киши. Энг ёмони, айримлар турли жиноятчи, ақидадараст ва миссионерлар таъсирига тушиб қолаётгани, юртимизга қайтганларидан сўнг эса, ҳамюртларимизнинг онгини заҳарлашга ҳаракат қилишаётгани айниқса хатарлидир.

Ҳуқуқ-тартибот идораларидан олинган маълумотларга кўра, меҳнат мигрантлари асосан баҳор-ёз ойлари хорижий давлатларга чиқиб кетиб, куз-қиш ойларида уйларига қайтиб келишаётгани сабабли доимий назорат ва рўйхатга олишда қийинчиликлар туғдирилади.

Вояга етмаган болаларнинг, айниқса, ўрта махсус касб-хунар коллежларида таълим олаётган айрим ўқувчиларнинг чет давлатларга яқин қариндошлари билан чиқиб кетиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Бундан ташқари, меҳнат мигрантлари чет давлатда ҳужжатларини олдириб қўйиб, кафолатланмаган, оғир ишларда ишлатилганлари, жиддий оқибатларга олиб келадиган юқумли касалликлар юқтириб олаётган-

лари, айрим ҳолларда жиноят-турли содир этишаётгани ва бу ҳолатлар оммавий ахборот воситалари орқали халқаро миқёсда ёритилаётгани нафақат фуқароларнинг ўзига, балки мамлакатимизнинг обрў-нуфузига жиддий таъсир кўрсатиб, бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Вилоят ҳокимлигида меҳнат мигрантларини рўйхатга олиш таъминлари оид мавзуда ўтказилган йиғилишда ташқи меҳнат миграция жараёнларини назоратга олиб бориш мақсадида доимий фаолият юритувчи вилоят ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги, йиғилишда вилоят ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўш бошқармасида ҳамда унинг жойлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза

қилиш марказларида "Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича мониторинг маркази" ташкил этилди. Унинг фаолияти чет давлатларга кетаётган шахсларнинг эгона ҳисобини юритиш, сабабларини ўрганиш, қайтиб келган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишдан иборат. Меҳнат бошқармаси ҳамда туман, шаҳар Бандликка кўмаклашиш марказларида алоҳида хона ажратилиб, маъсул ходимлар бириктирилиб ва махсус ишонч телефони ташкил этилди.

Бундан ташқари, меҳнат мигрантлари учун махсус эслатмалар ишлаб чиқилиб, фуқаролар учун Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари, полиция ва миграция хизматлари ҳақида, мигрантларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хорижда бўлиш даврида оғир инфекция касалликлари билан оғриши (ОИТС, ОИВ) ва улардан ҳимояланиш, хориждан халқаро пул ўтказмалари орқали миг-



рантларни Ўзбекистонга пул юбориш йўллари ҳамда миграция масалалари бўйича ишонч телефонлари орқали меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига мурожаат қилишлари мумкинлиги хусуси-

да маълумотлар киритиш йўлга қўйилди.

Мониторинг марказини ташкил этишдан кўзланган мақсад меҳнат мигрантларини ижтимоий ҳимоялаш, республикадан ташқарида ишлаш даврида турли қийинчиликларга дуч келганда ёрдам кўрсатишдан иборат эканлигини кенг жамоатчиликка етказишдир. Ҳозирги кунда мониторинг марказига мурожаат қилувчи фуқароларга белгиланган тартибда анкета тўлдириниш (исми, фамилияси, отасининг исми, туғилган йили, яшаш жойи, нима иш билан шуғулланиши, телефони) ҳамда қайси хорижий давлатда бўлиши, аниқ яшаш ва иш жойлари, телефонлари ёки республикадан ташқарида иш ва яшаш жойлари ўзгарган тақдирда мониторинг марказини оғохлантириш лозимлиги ҳақида тушунтириш ишлари ташкил этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, юртимиз обрўси, унинг хорижий мамлакатлардаги нуфузини янада кўтарши хар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бу фуқаролик бурчини унутишга ҳеч биримизнинг ҳақимиз йўқ.

Бахтиёр ТОЖИЯҲМЕДОВ,
вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси қошидаги "Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича мониторинг маркази" масъул ходими.

ЭЪЛОНЛАР

"КО'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади

Такрорий аукцион савдосига 1. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 1 мартдаги №1-99-13-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич нархи – 290 317 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5, Шароф Рашидов кўчаси, 71-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 92,56 кв. м. бўлган бино (фитнес клуб), 2. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2012 йил 16 апрелдаги №10-1214/1875-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич нархи – 20 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Дониш кўчаси, Юнусобод деҳқон бозори, 1-айвонда жойлашган, умумий ер майдони 9,0 кв. м. бўлган, 77-сонли савдо дўкони қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2013 йилнинг 27 сентябрь кuni соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 % дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КО'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтохур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001, МФО 00425, ИИН 207128747, ОКОНХ 83400 тўлашлари шарт. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9:30 дан 18:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимосиди савдоси ўтказилишига расмий бир иш кун қолганда тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади

Савдога қуйидаги қўмас мулклар тақдоран қўйилмоқда: 1. Юнусобод тумани СИБ томонидан 21.01.2013 й. № 425-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Коронкўл кўчаси, 84-уй. Бошлангич баҳоси – 357 973 000 сўм. 2. Юнусобод тумани СИБ томонидан 05.03.2012 й. № 7082/23-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Қодиров ва Х. Саматова кўчалари ўртасида жойлашган кўп қаватли уй. Бошлангич баҳоси – 178 792 758 сўм. 3. Бектемир тумани СИБ томонидан 17.01.2013 й. № 1-383-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, М. Ауэзов 3-берк кўчаси, 1-уй. Бошлангич баҳоси – 152 000 000 сўм. 4. Бектемир тумани СИБ томонидан 17.01.2013 й. № 1-383-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Чилон ота кўчаси, 5-уй. Бошлангич баҳоси – 711 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 23 сентябрь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевоcита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни хар кuni (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидида бўлган талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдордан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатиди ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотиcи – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтохур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кuni мобайнида тўлашга тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-дахда, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокаралар олиб бориш йўли билан сотиш савдоларига таклиф этилади.

Сотувчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси, 107-уй. Алоқа телефонлари: (8-371) 268-23-21, 268-27-29, факс: 268-27-29. Сотиш таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, сони, тавсифи ва жойлашган манзили:

№	Объект номи	Объект манзили	Балансда сакловчининг номи, манзили	Объект тавсифи	Сотиш таклиф қилинаётган нархи, сўм	Энг кам инвестиция миқдори	Хусусийлаштирилиши белгиланган ҳуқуқат қарори
1	15-уйнинг ярим ертўласи	Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, 4-ноҳия	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги, 110200, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри	Бинонинг қурилиш ости майдони 350,52 кв. м.	51 979 500 сўм	Сотиб олиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш	ПҚ-1743 25.04.2012 й.
2	7-уйнинг биринчи қаватидаги нотуражой майдони	Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Янгиобод кўргони, Ф. Ғуллом кўчаси		Бинонинг қурилиш ости майдони 171,83 кв. м.	38 706 480 сўм		ПҚ-1743 25.04.2012 й.
3	3-уйнинг биринчи қаватидаги нотуражой майдони	Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Янгиобод кўргони, Наврўз кўчаси		Бинонинг қурилиш ости майдони 84,96 кв. м.	24 752 160 сўм		ПҚ-1743 25.04.2012 й.
4	10-уйнинг биринчи қаватидаги нотуражой майдони	Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Янгиобод кўргони, Театральная кўчаси		Бинонинг қурилиш ости майдони 467,64 кв. м.	141 750 000 сўм		ПҚ-1743 25.04.2012 й.
5	Бино ва иншоотлар	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин Қ.Ф.Й., Катта Ўзбек тракти ҳудуди	Зангиота туман Давлат солиқ инспекцияси, 111100, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, К.Ғафуров кўчаси, 7-уй	Ер майдони 0,2705 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 477,4 кв.м.	625 113 000 сўм		ПҚ-1743 25.04.2012 й.
6	Собиқ ички ишлар бўлими бино ва иншоотлари	Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Саховат кўчаси	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги, 110200, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри	Ер майдони 0,1556 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 556,42 кв.м.	342 883 500 сўм		ПҚ-1743 25.04.2012 й.
7	Нотуражой биноси	Паркент тумани, "Қорақалпоқ" Қ.Ф.Й., Ёшлик кўргони	Паркент тумани ҳокимлиги, 102222, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Ичкикўргон кўчаси, 5-уй	Ер майдони 0,13 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 320,89 кв.м.	67 945 900 сўм		ПҚ-1743 25.04.2012 й.

Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносиди 2013 йил 16 октябрь кuni соат 11:00да бўлиб ўтади. **Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари (сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган сўммаси ва уларни ўтказиш шакли, мuddати ва шартлари):** 1. Энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш. 2. Тўлов мuddатини қисқа мuddатларда амалга ошириш. 3. Сотувчи билан 20 кун мuddат ичиди олди-сотди шартномасини тузиш. **Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш тамом бўлиши санаси ва вақти:**

2013 йил 15 октябрь кuni соат 18.00гача. Тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокараларда қатнашиш учун талабгор еки унинг вакили эълонда белгиланган мuddатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда бюрртманомани икки нусхада тақдим этади: – юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишоннома; – жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдир-

да, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишоннома; – сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активы бошлангич нархининг 15 фоизи миқдориди закалат туланганлиги тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси; – қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари. – сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган сўммаси ва уларни тўлаш мuddати; – инвестиция мажбуриятларининг таклиф

этилаётган сўммаси, уларни тўлаш шакли, мuddати ва шартлари. Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча вақтлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдога қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларини пойма қилишни ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 268-23-21 телефон рақамларида хабар қилишингиз сўралади.

ИЖТМОИЙ РЕКЛАМА

• Янги уйлар Сиз учун узоқ мuddатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.

2013 йилда КИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БЮЎРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Кишлоқ жойларда истиқомат қилувчи хар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
- Қўлай жойлашув: дўхон, мактабларга яқин жойида;
- Замонавий дизайндои уйлар;
- Хар бир уй-жой 6 сониx ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳақида текис ва равои йўлларга эга;

Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатингизни қўлайтириш имконияти;
- Имитиёзли фоиx ставкасида 15 йил мuddатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежаскорлик ва арзон нарслар гарови.

• Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имитиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилинган маблағингиз оилангиз режаслар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади;
- Янги уйлар янада жишроқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратлади.

Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Узгурси нарсларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.

Марҳамат, муросасат қилинг:

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
- Кишлоқ ёки мазаула фуқаролар йиғинларига;
- "Камолот" ЕНХ бўлимига;
- Хотин-қизлар қўмиталарига;
- Кишлоқ қурилиш банк филиалларига, мини банкларига;
- Кишлоқ қурилиш инвест филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шахрисабз, 36
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.gqb.uz
e-mail: headoffice@gqb.uz

Об-ҳаво

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 4 май кuni Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-11, кундузи 24-26 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-13, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади. Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи туманларда ёмғир ёғиб, момақалди-роқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7, кундузи 5-10 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти Чорва озуқа бош бйлашмасининг (ИНН 206974384) устав жамгармаси 98 300 000,0 сўмдан 44 400 000,0 сўмга камайишини маълум қилади. Тел.: 250-60-13.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туман ҳокимияти томонидан 2009 йил 20 августда № 3152 реестр рақами билан рўйхатга олинган "QAMAR MUXARRAM-BARAKA" МЧЖнинг устав жамгармаси 286 800 239 сўмдан 4 000 000 сўмга камайишини маълум қилади. Даво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99899) 121-03-02 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Юнусобод тумани ТСРҰИ томонидан 30.04.2012 йилда гувоҳнома рақами № 10-09701 билан рўйхатга олинган (ИНН 484799644) якка тартибдаги тадбиркор "Турдибеков Улугбек Файзуллаевич"га тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабаби **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҰИ томонидан рўйхатга олинган "SIMURG AIR" (ИНН 300747865) МЧЖ таъсисчиларининг йиғилиш баённомасига асосан устав жамгармаси 102 348 000 сўмдан 89 980 260 сўмга камайишини маълум қилади. Даволар 322-75-01 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Шайхонтохур туманида жойлашган 20-умуний ўрта таълим мактаби томонидан 1993 йилда Закирова Умида Абдуллаевна номига берилган ВУ № 041754 рақами аттестат йўқолганлиги сабаби **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"MINIMAX BUILD GROUP" МЧЖнинг устав жамгармаси 553 452 000 сўмдан 10 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

ООО "ILKER-FOOD" Алмазарского району реорганизуется путем присоединения к ИП ООО "ARTEKS TICARET", правопреемником по всем правам и обязанностям является ИП ООО "ARTEKS TICARET".

По всем вопросам обращаться по адресу: Г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Широқ, дом 104-А. Тел.: 248-80-80.

Республика ёш томошабинлар театри жамоаси театр ходими Зафар Аскарвага акаси **Зиёвуддин АСКАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

